



## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

## ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЗАМИРИДА ҚАНДАЙ МАЪНО-МОҲИЯТ МУЖАССАМ?

Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси" тўғрисида фармони лойиҳасининг жамоатчилик мухокамалари шу йил 15 январда якунланади. Мазкур хужжат асосида, биринчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси, иккинчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси", учинчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича миллий комиссия таркиби юзасидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалор келиб тушмоқда.

Аввалимбор, "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси", деган номнинг мазмун-моҳиятига мухтасар тўхтalamиз. Зеро, бу номнинг келиб чиқиши, фикримизча, бир қатор мухим омиллар бориб тақалади.

**Биринчи омил:** ушбу ном Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси — Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқи давом эканини англатади. Агар Ҳаракатлар стратегиясида 5 та устувор йўналиш белгилаб олинган бўлса, Тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу устувор йўналишлар давомийлиги саклаб қолинган.

Шу билан бир қаторда, тараққиёт ўзгаришларининг янги тарихий босқичда давом этирилиши кўзда тутилган холда, Тараққиёт стратегиясида 2 та янги устувор йўналиш кўшилди.

Булардан бири — маънавий тараққиётни таъминлаш билан бөғлиқ бўлса, иккинчиси — Ўзбекистоннинг дунёда юз берәётган глобал муммомларга муносабати негизида бегиланган янги устувор йўналишдир.

Шундай қилиб, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида кўйидаги еттига устувор йўналиш назарда тутилган:

**Биринчи устувор йўналиш** — инсон қадрини юксалириш ва эрkin фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш;

**Иккинчи устувор йўналиш** — мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамоилиларни тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартни таъминлаш билан бориб олинган бўлса, Тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу устувор йўналишлар давомийлиги саклаб қолинган;

**Учинчىкчи устувор йўналиш** — миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;

**Тўртинчи устувор йўналиш** — адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

► Давоми 2-бетда

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЎЗБЕКИСТОН

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## МИЛЛИЙ АРМИЯ ҚУДРАТИ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КаФОЛАТИ

Ватанни ҳимоя қилиш барчамиз учун муқаддас бурч. Миллий армиямизнинг юртимиз ва ҳалқимиз тинчлигини, осойишталигини таъминлаш йўлида олиб бораётган хизматларини муносиб баҳолаш ҳамда уларга зарур шарт-шароит яратиш бугун давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

► Давоми 4-бетда



### ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

## ҲАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ ҚУРИШ, ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон замини — буюк алломалар юрти. Бу макондаги дунёвий ва диний илмлар ривожи асрлар ошса-да, ўз аҳамиятини йўқотмаган ва улар яратган илмий асрлар инсоният тараққиётига катта хисса қўшиб келмоджа.

ХI асрда яшаб ўтган Юсуф Хос Хожи "Кутадгу билиг" асарида шунданд ёзди:

"Ҳуқумдорларнинг қайси бирда билим бўлса, билимга эътибор кучли бўлса,

ӯша яхши, эзгу ишларни амалга оширади, мамлакатда қонун-тартиботларга,

адолат ва бунёдкорликка ривож беради".

Бугунги янгиланаётган Ўзбекистон ҳам тараққиётининг янги босқичда илм-фан ривожига катта эътибор қаратаётган бејиз эмас, албатта. Шунинг учун ҳам Учинчи

Ренессансни барпо этиш бўйича миллий тараққиёт истиқболлари гояси илгари суригиб, амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Мамлакатимизда "Инсон қадри устувор" бўлган

жамият ва ҳалқпарвар давлат" гояси негизида Янги Ўзбекистон барпо этилоқда.

Таъқидлаш жоизки, бундан беш йил олдин давлатимиз раҳбари ҳалқимиз билан бамаслаҳат "Ҳаракатлар стратегияси"ни қабул килган эди. Ўтган давар мобайнида ушбу стратегия асосида кенг қўламили ишлар амалга оширилди. Барчамиз бу жараёнларда бевосита иштирок этиб, испоҳотларнинг амалий натижасини ўз ҳаётимизда хис қипганимиз ҳам бор гап.

► Давоми 3-бетда

### ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

## АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ –


### ЗАМОН ТАЛАБ ҚИЛАЁТГАН ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ, СЁРДАРОМАД СОҲА

#### УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Хозир IT мутахассисларга талаб жадал суръатда ортиб бормоқда. Бу нафакат Ўзбекистонда, балки дунёда рўй берәётган жараён. COVID-19 ва кейинги карантин чекловлари IT соҳа кадрларига талабининг ўсишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизда яқин вақтгача мазкур соҳанинг меҳнат бозорида кадрлар таққиётлиги сезилиб турарди. Бу асосан олий таълим мусассасаларининг етарли даражада дастурчиларни тайёрлаб берса олмагани билан бөғлиқ эди. Боз устига, илгари мазкур йўналишида бир нечта университет фаолиятни юритган, холос.

► Давоми 5-бетда



### "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

#### Хориж эксперлари:

Ўзбекистон минтақа ва мамлакатда хавфсизликни мустаҳкамлашга, демократия гуллаб-яшнайдиган муҳит яратишга катта ҳисса қўшиди

Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан хорижий эксперт доиралари ва жамоатчилик вакиллари ўз табригини йўлламоқда.

Сергей Толстов,  
Украина сиёсий таҳлил ва ҳалқаро тадқиқотлар институти директори:

— Ватан ҳимоячилари куни арафасида Ўзбекистон армияси, Куролли Кучларнинг турли

тармоқлари, Ватан ҳимояси йўлида хизмат килган ва бурчини адо этаётган барча ўзбекистонликларни ушбу байрам билан табриклимиз. Ўзбекистон суверенитети ва худудий яхшилиги янада мустаҳкамланишига тилакдошмиз.

► Давоми 4-бетда

### ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИННИГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЙИҒИЛИШИ ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 11 январь куни видеоконференцалоқ шаклида ташкил этилган Туркий давлатлар ташкилоти Ташқи ишлар вазирилари кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишида иштирок этди.

Ташқи ишлар вазирилари матбуот хизматидаги мальум қилишида, йиғилишида Озарбайжон, Қыргизистон, Қозогистон, Туркия, Ўзбекистон, Венгрия ва Туркманистон ташқи ишлар вазирилари раҳбарлари Қозогистондаги мавжуд вазиятни мұхоказа қилдилар.

Ташкилот аъзоларининг Қозогистон халқи

### ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДАГИ УЛКАН ЛОЙИХА

### ЕТТИ ЮЗ МИНГДАН ОРТИҚ АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИИ ЯХШИЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг таклиф ва ташабbusлари асосида юзлаб шаҳар ва қишлоқларга тоза ичимлик суви кириб борганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу йўналишдаги энг йирик, таъбир жоиз бўлса, улкан лойиҳалардан бири шу кунларда Жиззах вилоятида амалга оширилмоқда.

► Давоми 4-бетда

ЎЗА









